

Ҳаж сафарига Қорақалпоғистондан 153 киши боради



05:33 / 26.07.2018 3105

Жорий йилда “Ҳаж-2018” сафарига Қорақалпоғистон Республикасидан 153 нафар фуқаро жўнаб кетади.

Улуғ сафар олдидан бўлажак зиёратчилар учун юртимизнинг турли қадамжоларига саёҳатлар уюштирилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликлари билан таништириш бўйича тасдиқланган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

ҳузуридаги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш масалалари бўйича комиссиянинг амалий кўмаги билан қадимий ва навқирон Хива шаҳрининг табаррук жойларига зиёрат уюштирди.

ЎМИ Матбуот хизмати